

## ШАРТНОМА № 10

Хатирчи туман ХТБга карашли № 10-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш.

Хатирчи туман

14.03.2022- й

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладига Хатирчи туман ХТБ мудири номидан «Низом» асосида иш курувчи О.Бабакулов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Навоий Омад Инвест» МЧЖ номидан «Низом» асосида иш курувчи Б.Баракаев иккинчи томондан Хатирчи туман ХТБга карашли №10-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топширишга доир мазкур шартнома тузадилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. 1Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**1.2 курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилаб қўйилади;

**1.3 вакътнчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вакътнчалик бинолар ва иншоотлар;

**1.4 беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлап мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**1.5 шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига ХТБга карашли №10-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиҳада кўзда тутилган таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.2 Мазкур шартнома бўйича танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов савдоси комиссиясининг қарори (11.03.2022 йил электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда 620 000 000 (Олти юз йигирма миллион сўм)ни ташкил этади.

2.3 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;  
ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқ ўзгартирилганда.

2.4 Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.5 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 4 - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони худудида вақтнчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиши чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;

- курилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига З -иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

### 5.1. Шартнома:

имзолаган пайтдан бошлаб Хатирчи туман Газначилик булимидан рўйхатдан утгандан сунг конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

5.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3 Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиши ва ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

5.4 Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, иш бошланиш ойидан аванс утказади, 186 000 000 сўмни ташкил этади.

6.2 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

6.3 Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

6.4 Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бирор молия йили тугамасдан амалга оширилади.

6.5 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.6 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнинда бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1 Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини, техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнинда ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

7.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равища қатнашади.

7.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажариши мустакил равишда ташкил этади.

7.5 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6 Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

7.7 Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

7.8 Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.9 Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

7.10 Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклади, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

7.11 Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.12 Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асобоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиға хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

7.13 Алоҳида масъулнинг конструкиялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равища хабардор қиласди.

7.14 Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитекткурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

7.15 Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.16 Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

7.17 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатига етказилган заараларни Буюртмачига тўлайди.

7.18 Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклади, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлади.

7.19 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини көритади. Дафтarda бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асобоб-ускуналар ўз берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтarda Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

8.1 Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асобоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

8.2 Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **Х. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгидан бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгидан бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2 Агар енгидан бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

9.3 Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишта ҳаклидири.

#### **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОГОХЛАНТИРИШ**

10.1. Томонлар буни ёълон қилишади:

- Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғлик) шахслари ва ходимлари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш ва/ёки коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/ҳаракатсизлик қилмайдилар, шу жумладан (лекин чекланмаган ҳолда) пора бериш ёки пора бериш, пора бериш, товламачилик, пора олиш учун бевосита ёки билвосита розилик берадилар.

- Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғлик) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини, шу жумладан пул суммалари, совғалар бериш, уларга белул хизмат кўрсатиш ёки ушбу ходим ёки ваколатли вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига бирон-бир ҳаракат/ҳаракатсизлик бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш орқали рағбатлантиришдан бош тортадилар.

10.2. 6.1-банднинг қоидаларини бузиш содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган шубҳалар мавжуд бўлса. мазкур шартноманинг тегишли томони бу ҳақда иккичи томонни хабардор қилиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари бузилганилиги фактининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлган тақдирда еса, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар ҳам хабардор қилиши шарт.

#### **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

11.1 Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2 Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олиниади.

11.3 Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. КАФОЛАТЛАР**

12.1 Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариши сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.2 Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камидаги 1 ой этиб белгиланади. Объект кафолатли муддати камидаги 1 ой этиб белгиланади.

12.3 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланниб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нұқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада күрсатилған муддат ичидә бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиши хуқуқига эга.

12.4 Пудратчи нұқсонлар ва чала ишлар күрсатилған далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

### XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### 13.1 Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тутагишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариши жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

#### 13.2 Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

13.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5 Шартнома бекор қилинганда айборд томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томонга иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилған ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3 Шартномага мувофиқ бажарилған ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишида бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нұқсонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилған ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилған ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажарышнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилған зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.5 Агар бажарилған ишлар сифати белгиланған стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

14.6 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни коплайди.

14.7 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

16.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2 Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохидаги қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

16.3 Мазкур шартномага барча ўзгarterишишлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгarterишишлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришига ҳақлидир.

16.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

16.7 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 4 нусхада тузилди.

16.8 Мазкур шартнома газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача кадар амал килади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

Пудратчи

Буюртмачи

Хатирчи туман «Навоий Омад Инвест» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: .Навоий вилояти Кармана тумани  
Тел./факс 98 571 00 73

Банк номи: Микрокредитбанк Навоий шахар фил.  
р/с 20208000404834735001  
МФО 00198 СТИР 301519284  
ИФУТ:41202

рабари **Б.Баракаев.**



Хатирчи туман Халқ таълими булими

(бюджетдан маблаг олувчининг

номи)

куча 2

шах.

Манзил:Хатирчи туман Мустакиллик

Тел./факс :+

Банк номи: Марказий банк Тошкент

р/с 401722860122517092100075001

МФО 00014 СТИР 200026285

ОКОНХ:

  
O.Бабакулов.

Газначиликбулинмаси номи

Хатирчи тумани

Газначилик булинмаси

Газна р/с:234020030010001010

Банк номи: Марказий банк XKKM

МФО: 00014 СТИР: 201 122 919

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDAGI  
XULOSA**

**№**

**1. Loyihaning turi**

Shartnoma

**2. Loyihaning nomi**

Xizmat ko‘rsatish shartnomasi (10-maktab Navoiy omad MChJ 620 000 000)

**3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot**

Xatirchi tuman Xalq ta’lim bo’limi

**14.03.2022 yil**

Loyihha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va ushbu hujjat loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq deb topilsin.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
Bosh yuriskonsulti**



**J.T.Primov  
14.03.2022 yil**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 38635 на приобретение Хатирчи туман  
ХТБга карашли 10-мактаб биносни жорий таъмирлаш учун**

Способ проведения закупки:

Дата 11.03.2022

Время рассмотрения 11.03.2022 10:38

Конкурсная комиссия Хатирчи тумани Халқ таълими булими (ММЕХ), (далее – Комиссия) в составе:

**Председатель комиссии** BABAQULOV ODIJON Мудир Хатирчи туман ХТБ

**Секретарь комиссии** MAXMUDOVICII Хатирчи туман ХТБ

**Член комиссии** QOLMURDOV XURSHID Хатирчи туман ХТБ

**Член комиссии** QULMAMATOVICH МТЭБ бошини

**Член комиссии** BURIYEV MAGSIUDJON Хатирчи туман ХТБ

**Член комиссии** FAXRIDDIN O'G'LII МТЭБ уринбосари

**Член комиссии** RAXMATULLAYEV ASLIDDIN Хатирчи туман ХТБ

**Член комиссии** SULAYMONOVICH ММБХ

**Член комиссии** GADAYEV ABDIHNAKIM Бош хисобчи

**Член комиссии** SAYPILLAUTYEVICH ТУХТАТОШЕВИЧ

**Член комиссии** ZOIROV UMRZOK ишаша буйина

**Член комиссии** TUXTATOSHEVICH мутахассиси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.03.2022 года № лота 38635.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

**Наименование товара (работы, услуг)** Услуга по текущему ремонту нежилых зданий

Наименование товара (работы, услуг)	Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Подробное описание	Хатирчи туман 10-мактаб биносни жорий таъмирлаш учун						
Количество товара	1.00						
Единица измерения							
Цена товара (услуги) за единицу	665 670 716,00						
Стартовая сумма	665 670 716,00						
Валюта	UZS						

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

**Критерий №1. Ишчи тургисида ходимлар, Иш таҳрибаси**

Тип: Текстовое значение

Описание: Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тургисида маълумот нусхаси . ташкилот тақрибий структураси йил мобайнида бажарган ишшари камда конкурс объектига ушаш объектада бажартган ишлари тургисида маълумот (ССС булиш аввалар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOU-OMAD-INVEST MCHJ	25	++	25	Экспертная		
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	25	60 ишчи	25	Экспертная		
ООО SHEROZU BIZNES OPTIMA	25	63500000	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

**Критерий №2.1. Молиявий холати, Машина механизмлар тургисида**

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охирги йиллик балланс хисоботлари (давлат солик инспекциясидан тасдиқланган булиш керак) Курорлиши ташкилотини хисоб ракамида конкурсадаги курилиш ишлари суммасини 20 % миндорида ту маблаги мавзуда булиши ёки шу миндорда айланма маболати борлиги тургисида банк хоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOU-OMAD-INVEST MCHJ	25	++	25	Экспертная		
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	25	60 ишчи ва	25	Экспертная		
ООО SHEROZU BIZNES OPTIMA	25	63500000	12,5	Экспертная		

**Критерий №3. Банк ва соликдан қарзий йўклиги тургисида маълумот**

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва соликдан қарзий йўклиги тургисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOU-OMAD-INVEST MCHJ	25	++	25	Экспертная		
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	25	Техникалор бор	25	Экспертная		
ООО SHEROZU BIZNES OPTIMA	25					

**Критерий №3.4. Банк ва соликдан қарзий йўклиги тургисида маълумот**

Тип: Текстовое значение

Описание: Гудратчининг Курорлиши вазирлиги маҳсус электрон проталида рейтингни мавзудлиги тургисида маълумот (ССС булиш аввалар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY-OAMD-INVEST LLC	25	++	25	Экспертная		
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	25	ИИ РЕТИНГ	25	Экспертная		
OOO SHEROZU BIZNES OPTIMA	25	63500000	12.5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	635 670 716.00	632 387 180.00	03.03.2022 08:43:06	98.04
NAVOIY-OAMD-INVEST LLC	635 670 716.00	620 000 000.00	01.03.2022 17:45:37	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ	Прошел	98.04	98.04
OOO SHEROZU BIZNES OPTIMA	Не прошел	Не прошел	Не прошел
NAVOIY-OAMD-INVEST LLC	Прошел	100	100

Заключочная комиссия по конкурсу лот № 38635 от 11.03.2022 года на приобретение хатирчи туман ХТБга карашли 10-мактаб биносини жорий таъмираш учун определила победителем:

NAVOIY-OAMD-INVEST LLC  
301519284

и резервный исполнитель: БЕКТОШ КИЧИК КОРХОНАСИ (200025120)

Протолосили

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	BABAQULOV ODILJON MAXMUDOVICH	Согласен	
Член комиссии	ZOTIROV UMRZOK TUTKATOSHEVICH	Согласен	
Член комиссии	BURIYEV MAQSUDJON FAXRIDDIN O'G'L	Согласен	
Член комиссии	RAXMATULLAYEV ASLIDDIN SULAYMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	GADAYEV ABDUNAKIM SAYFILLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссию подписан посредством эцп